

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ КАСБ ТАЪЛИМИ ДАРСЛАРИДА ҚЎЛЛАШ

Каримова Мафтуна Нурдиновна^{1, 2}, Ҳимматов Мехрож Сирохиддин ўғли¹

¹Тошкент давлат аграр университети

²Tashkent International University of Education

E-mail: kmaftuna538@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада таълимда талабалар учун бир неча замонавий, интерактив педагогик методлар, уларнинг афзаликлари, камчиликлари ва бир-биридан фарқлари ҳақида қисқача ёритиб берилган

Калим сўзлар: кичик гурухлаш, ролли ўйин, ишибоп ўйин.

USE OF MODERN EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN VOCATIONAL EDUCATION CLASSES

Karimova Maftuna Nurdinovna^{1, 2}, Khimmatov Mekhroj Sirojiddin o‘g’li¹

¹Tashkent state agrarian university

²Tashkent International University of Education

E-mail: kmaftuna538@gmail.com

Abstract. In this article, several modern, interactive pedagogical methods for students in education, their advantages, disadvantages and differences from each other are briefly discussed.

Keywords: small grouping, role play, business game.

Замонавий таълим технологияларини касб таълими дарсларида қўллаш Республикализнинг педагогик олим ва амалиётчилари илмий асосланган холда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологиялари ва таълим-тарбия амалиётида қўллашга интилмоқдалар.

Таълим технологияларини ўқув жараёнига жорий этишнинг асосий шартлари қуидагилардан иборат:

- "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқариш учун таълимни жадаллаштириш зарурлиги;
- таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ролини ўзгартириш зарурлиги, фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларни кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учуп вақтнинг чегараланганлиги;
- кишилик жамияти ўз тараккиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аник якунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги;
- баркамол авлодии тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланишини талаб килишидадир.

Таълим жараёни юқорида санаб ўтилган бешта асосий шартларни барча талабларига жавоб берадиган таълимий тадбирдир. Қуида биз баъзи бир замонавий таълим технологияларини дарс жарёнида қўллашнинг афзалилиги ва камчиликлари ҳақида фикр юритамиз:

Кичик гурухларда ишлаш ўқитувчи томонидан берилган маълум бир топшириқнинг ҳамкорликда бажариш учун ўқувчиларни кичик гурухларга ажратиб,

берилган топширикнинг ечиш йўлларини, ишлаб чиқишини тақозо этувчи методдир. Ушбу метод қўлланилганда ўқувчи кичик гурухларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш хуқукига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи назарларни қадрлаш имконига эга бўлади. Кичик гурухларда ишлаш методида ўқитувчи бошқа ноанъанавий методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки ўқитувчи бир вақтнинг ўзида барча ўқувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

"Кичик гурухларда ишлаш" методининг афзаллиги:

- ўқитиши мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд:
- барча ўқувчилар жалб этилади,

- ўз-ўзини ва гурухлараро баҳолаш имконияти мавжуд;

"Кичик гурухларда ишлаш" методининг камчиликлари:

- кучсиз ўқувчилар бўлганлиги сабабли кучли ўқувчиларни ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча ўқувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади,
- гурухлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши;
- гурух ичидаги ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

Ишбоп ўйни методи берилган топшириқларга қўра ёки ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик қарорларини кабул қилишни имитация қилиш (тақлид, акс этириш) методи ҳисобланади. Ўйин фаолияти бирон-бир ташкилот вакили сифатида иштирок этётган иштирокчининг хулқ-атвори ва ижтимоий вазифаларини имитация қилиш орқали берилади. Бир томондан ўйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралиқ натижаларга қўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига ҳам эга бўладилар. Ишбоп ўйинда роллар ва ролларнинг максади аралашган холда бўлади. Иштирокчиларнинг бир қисми катъий белгиланган ва ўйин давомида ўзгармас ролни ижро этишлари лозим. Бир қисм иштирокчилар ролларини шахсий тажрибалари ва билимлари асосида ўз мақсадларини белгилайдилар. Ишбоп ўйинда ҳар бир иштирокчи алоҳида мақсадни бажариши керак. Ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифаси бўйича қарор қабул қиласди, сўнгра гурух билан маслаҳатлашади. Ушбу шахсий варақа бўйича максадга эришиш бутун гурух аъзолари эришган натижаларга боғлиқдир. Ўйин якунида ҳар бир иштирокчи ва гурух эришган натижаларига қараб баҳоланади.

"Ишбоп ўйни" методининг афзалликлари:

Ўқувчиларининг билимларини ва тажрибаларини ўз карашлари ва хулклари орқали ифода этишга ёрдам беради.

Ўқувчининг бошланғич билимлари ва тажрибаларини сафарбар этиш учун яхши имконият яратилади.

Ўқувчилар ўз билимлари доирасидан келиб чиқсан холда имкониятларини намойиш этишлари учун шароит яратилади.

"Ишбоп ўйин" методининг камчиликлари:

Ўқитувчидан катта тайёргарликни талаб этади.

Вақт кўп сарфланади.

Танланган мавзу ўқувчининг билим даражасига мос келиши талаб этилади.

Ўқувчининг ҳис-ҳаяжони тўгри карор қабул қилишга халақит бериши мумкин.

"Ролли ўйин" методи - ўқувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шартшароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи метод. Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Ролли ўйнида ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар ўқувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

Ролли ўйин методининг боскичлари:

1. Ўқитувчи мавзуу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди хамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чикади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб ролларни тақсимлайди.
4. Ўқувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа ўқувчилар уларни кузатиб турадилар.

5. Ўйин якунида ўқувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изохлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган ўқувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади. "Ролли ўйин" методида ўқитувчи ўқувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларии ўйнашда ҳар бир ўқувчининг индивидуал характеристери, хулқ-автори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак.

"Ролли ўйин" методининг афзаллик томонлари:

Ўкув жараёнида ўқувчиларда мотивация (қизикиш)ни шакллантиришга ёрдам беради;

Ўқувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради;

Назарий билимларни амалиётда қўллай олишни ўргатади;

Ўқувчиларга берилган вазифани таҳлил қилиш малакаси шаклланади.

"Ролли ўйни" методининг камчилик томонлари:

Кўп вақт талаб этилади;

Ўқитувчидан катта тайёргарликни талаб этади;

Ўқувчиларнинг ўйинга тайёргарлиги турлича бўлиши мумкин;

Барча ўқувчиларга роллар тақсимланмай қолиши мумкин.

Ушбу тушунчаларни ўкув жараёнига қўчирадиган бўлсак, ўқитувчи педагогик ўқитиши воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга муайян шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатли интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса деб таърифлаш мумкин. Юқорида биз таълим жараёнида фойдаланиладиган методларни танлаш вақтида ҳисобга олиниши лозим бўлган айрим жиҳатларни кўриб ўтдик.

Адабиётлар

1. Фарберман Б. Л. Илғор педагогик технологиялар. Т., „Фан“, 2020.
2. www.ziyouz.com